

Ташкилот номи:	Юристар малакасини ошириш маркази
Таркибий бўлинма номи:	кафедралар
Танлов босқичи:	Суҳбат
Савол йўналиши:	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (100 та савол)

1. Адвокат Д. туман ички ишлар органлари терговчиси Ч.га ўзини паспортини кўрсатиб, айбланувчи З.нинг яқин қариндошлари илтимосига кўра, айбланувчи билан учрашувга келганини айтди. Терговчи Ч. томондан адвокат илтимоси рад этилди.

Топшириқ: Ички ишлар органлари терговчиси Ч.нинг ҳаракатлари тўғрими?

2. Давлат инспекцияси органи (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келиб, ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги қарор чиқарди.

Савол: Давлат инспекцияси органи (мансабдор шахс) бундай қарор қабул қилишга ҳақлими?

3. Ишчанлик обрўларига зарар етказиш мақсадида, С. исмли ходим, ташкилот раҳбаридан бошқа ходимларнинг маошга қўшимча пул миқдори ҳақида маълумотни унга беришни талаб қилди. Ташкилот раҳбари, С.нинг талабини бажариб, унга бундай маълумотни берди.

Савол: Ташкилот раҳбари ҳаракатларида ҳуқуқий баҳо беринг.

4. Давлат ташкилоти компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ходим Л. ташқаридан маълумот ташувчи ҳеч қандай бегона ускунани (флешка, диск ва ҳ.к.) ушбу компьютер тизимига киритмаслик мажбуриятини олган бўлсада, шахсий флешкани компьютерга улаши натижасида ташкилот кадр бўлимининг хужжатларига оид ахборот йўқ қилиниб юборилди.

Савол: Ходим Л.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

5. Суд мажлиси пайтида тартибни бузганлик учун, иқтисодий суд томонидан фуқаро Г.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасига асосан беш суткага маъмурий қамоқ жазоси белгиланди.

Савол: Иқтисодий судлар маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва жазо тайинлашга ҳақлими?

6. Муқаддам ўғрилиқ учун судланган фуқаро П. 50 Россия рублини сотаётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: Фуқаро П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

7. Фуқаро Д. маст ҳолда, кўчада кетаётган Р. исмли қизга нисбатан уятли сўзлар билан мурожаат этиб, қизга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик ҳаракатларни содир этди.

Топшириқ: Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Д. ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

8. Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудирини С. ветеринария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун фуқаро Ж.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган, яъни ветеринария, ветеринария-санитария

қоидалари ва нормаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги бўйича баённома тузади ва маъмурий жазо чораси қўллаш ҳақида қарор чиқаради.

Топшириқ: Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудир С.нинг ҳаракатлари тўғрими?

9. Ички ишлар органлари таянч пунктининг профилактика инспектори томонидан, фуқаролик паспортсиз яшаб келганлиги сабабли, ўн етти ёшли фуқаро Ж.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-модда 1-қисм бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, маъмурий жазо тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Топшириқ: Ички ишлар органлари таянч пунктининг профилактика инспекторининг ҳаракатларига баҳо беринг.

10. Фуқаро Л. томондан, бир йил олдин унинг ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаган корхона директори Х. устидан шикоят билан Меҳнат бўйича давлат инспектори З.га. мурожаат этади. Меҳнат бўйича давлат инспектори З. шикоятни қабул қилиб, корхона директори Х.ни чиқариб, унинг ҳаракатсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49³-моддасида назарда тутилган, яъни вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш маъмурий ҳуқуқбузарлиги бўйича баённома тузади.

Савол: Меҳнат бўйича давлат инспектори З.нинг ҳаракатлари тўғрими?

11. Фуқаролик ишлари бўйича судига Раислик қилувчи томонидан бир неча маротаба суд мажлисига чақирилишига қарамасдан даъвогар Р. суд мажлисига келмади. Фуқаролик иши бўйича судга раислик қилувчи даъвогар Р.ни “Судга ҳурматсизлик қилиш”ни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортди.

Савол: Фуқаролик ишлари бўйича судига Раислик қилувчининг ҳаракатлари тўғрими?

12. Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг жарима жазо чорасини, қамоқ жазо чорасига ўзгартириш юзасидан ажрим чиқарди.

Савол: Кассация инстанция суди бундай ажрим чиқаришга ҳақлими?

13. Кассация инстанцияси судида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни такроран кўришда иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг уч нафар судьялардан бири, мазкур ишни кассация тартибида кўришда иштирок этганлигини бўйича, адвокат томонидан шикоят берилди.

Савол: Адвокатнинг шикояти асослими?

14. Ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилганлиги (МЖТК 61²-модда) учун ҳуқуқбузар М.га тайинланган жарима солиш тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан чиқарилган «Ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида ҚАРОР»га асосан Давлат ижрочиси ҳуқуқбузар М.га жаримани дарҳол ижросини таъминлашни талаб этади.

Топшириқ: Мазкур ҳолатда Давлат ижрочиси ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

15. Битта ташкилотда ишлайдиган ходим С., шарманда қилиш мақсадида, Ч. исмли ходим ҳақида турли ҳақоратли уйдирмаларни тарқатди.

Савол: С. исмли ходимнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

16. Д. исмли фуқаро маст ҳолда, кўчада кетаётган Р. исмли қизга нисбатан уятли сўзлар билан мурожаат этиб, қизга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик ҳаракатларни содир этди.

Савол: Мазкур ҳолат юзасидан Д. исмли фуқаронинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

17. Майда безорилик содир этган фуқаро П.га нисбатан ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoқ жазоси тайинланди. Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро П.ни айбсиз деб топди. Маъмурий жазони ўтаган даврида фуқаро П. доимий иш жойида иш ҳақи тўланиши тўхтатилди. Фуқаро П. унга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилиб, судга мурожаат қилди.

Савол: Фуқаро П.нинг талабини қаноатлантирадими?

18. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан мансабдор шахс томонидан чиқарилган қарор хусусида, қарорнинг нусхасини олган фуқаро Г.томонидан ўн беш кундан сўнг шикоят берилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритувчи мансабдор шахс шикоятни рад этди.

Савол: Мансабдор шахснинг ҳаракатлари тўғрими?

19. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган хайдовчи Ж. томонидан, унга нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят берилди. Ўч кун ичида унинг шикояти қаноатлантирилмаганлиги ҳамда ўттиз кунда жарима тўланиши лозимлиги ҳақида ҳабар келиб тушди.

Хайдовчи Ж. қонунда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332-модда) бундай турдаги жарима солиш тўғрисидаги қарорлар чиқарилган кундан эътиборан олти кунда тўланиши кераклиги ёзилганлиги ва унда йигирма олти кун вақти борлигини ваҳ қилди.

Савол: Хайдовчи Ж. ҳақми?

20. Коммунал тўловлар бўйича қарздорликни ундириш мақсадида, Давлат ижрочиси томонидан ундирув қарздорнинг бошқа шахсга ишончнома орқали берилган “Матиз” русумли автомобилга қаратилди. Қарздор ишончнома нотариал идорада расмийлаштирилганлиги сабабли, Давлат ижрочиси ҳаракатлари ноқонуний деб шикоят берди.

Савол: Давлат ижрочиси ҳаракатлари қонунийми?

21. Мажбурий ижрога қаратилган жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан давлат ижрочиси томонидан бир ой давомида қарор ижроси таъминланмаганлиги сабабли, қарорни юборган орган (мансабдор шахс) томонидан давлат ижрочиси устидан юқори турган органга шикоят берилди.

Савол: Маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарорни юборган орган (мансабдор шахс) шикояти асослими?

22. А. исмли шахс уйига келиб турмуш ўртоғи Б.ни фуқаро Г. билан жинсий алоқада бўлаётган вақтда ушлаб, рашк оқибатида турмуш ўртоғи Б.ни қасддан ўлдириб, фуқаро Г.ни ўлдирмоқчи бўлганида қўшнилариинг келганлиги муносабати

билан жиноий ҳаракатларини охиригача етказа олмаган. А. адвокат олишдан воз кечган.

Савол: Бундай ҳолатда иш бўйича ҳимоячи иштирок этиши шартми?

23. Судланувчи Г. ўзига оид жиноят иши бўйича биринчи босқич судининг ҳукмидан норози бўлиб апелляция шикоятни берган вақтда, апелляция инстанциясида адвокатдан воз кечди.

Савол: Апелляция инстанциясида судланувчига адвокатдан воз кечиши мумкинми?

24. ООО "International lawyer group" томонидан 2019 йил 1 январда унинг ходимиغا ишончнома берилган ушбу ишончномада муддат курсатилмаган.

Савол: Мазкур ишончнома амал килиш муддати канча?

25. Фуқаро А.Эшматов А.Тошматовнинг автоуловини сотиб олиш учун уни нотариал тасдиқлашни талаб килди, бироқ А.Тошматов нотариал тасдиқлашдан бош тортди.

Савол: Улар уртасида тузилган олди-сотди шартномаси хақиқий ҳисобланадими?

26. «Loyalty» МЧЖ солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин 10 кун ичида тақдим этмагани учун «Loyalty» МЧЖнинг банкда ҳисоб рақамини 15 кунгача тўхтатиб қўйди ва «Loyalty» МЧЖга тегишли хат юбориб ҳисобот топширишни акс ҳолада унинг ҳисоб рақамини 15 кундан ортиқ муддатга суд тартибида тўхтатиб туришини маълум қилди.

Савол: Солиқ органи ҳаракатларида қонун бузилиши ҳолати борми? Суд солиқ органи аризасини қаноатлантирадими?

27. Юридик шахс А ва Юридик шахс Б ўртасида 2021 йил 4 январда қарз шартномаси расмийлаштирилиб, унга асосан А томонидан Б га 150 млн сўм қарз берилди. Кўрсатилган қарз шартномасида талабнома юбориш мажбурийлиги ва уни киритиш муддати аниқ белгиланган эди. Орадан 2 йил ўтгач яъни 2023 йил 5 январ куни Б шартномада кўрсатилган қарзини А га қайтарди бироқ А қарз кечиктириб қайтарилгани учун Б га талабнома юбормасдан (талабнома бериш муддати ўтганлиги сабабли) кечиктирилган кунлар учун неустойка ундиришни сўраб Судга мурожаат қилди, бироқ суд Талабнома бериш шартига риоя қилинмагани учун иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Савол: Суднинг ажрими қонунчиликка мувофиқми?

28. Фуқаро А судга олди-сотди шартномасидан келиб чиққан низони ҳал қилиш мақсадида судга мурожаат қилди. Мазкур масала бўйича умумий даъво муддати ўтганлигини даъвогар била туриб судга мурожаат қилди. Бироқ суд даъво аризани даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво аризасини қабул қилишни рад этди.

Савол: Суднинг бундай ҳаракати қонунчиликка мувофиқми?

29. Фуқаро А ва Фуқаро Б ўртасида олди-сотди шартномаси бўйича низо келиб чиқди, шартнома 2017 йилда имзолангани учун умумий даъво муддати ўтган. Шундай бўлсада даъво ариза суд томонидан қабул қилиниб, низони кўриб чиқиб даъвогар даъвосини тўлиқ қаноатлантириб қарор чиқарди.

Савол: Мазкур масалага ҳуқуқий баҳо беринг.

30. Фуқаро А ва Фуқаро Б ўртасида олди-сотди шартномаси буйича низо келиб чиқди, шартнома 2017 йилда имзолангани учун умумий даъво муддати ўтган. Фуқаро Б Фуқаролик кодексининг 153-моддасига асосланиб, даъво муддатини қўллашни сўраб судга оғзаки мурожаат қилди, судья фуқаро Б оғзаки мурожаат қилгани учун илтимосини қаноатлантирмади.

Савол: Мазкур масалага ҳуқуқий баҳо беринг.

31. Фуқаро А ва Фуқаро Б ўртасида олди-сотди шартномаси буйича низо келиб чиқди, шартнома 2015 йилда имзолангани учун умумий даъво муддати ўтган. Фуқаро А Фуқаролик кодексининг 153-моддасига асосланиб, даъво муддатини қўллашни сўраб судга ариза билан мурожаат қилди, судья фуқаро А яъни давогарни аризасини инобатга олмади.

Савол: Мазкур масалага ҳуқуқий баҳо беринг.

32. Судда икки фуқаро яъни А ва Б жавобгарлар сифатида иштирок этипти жавобгарлардан бири яъни фуқаро А унга нисбатан даъво муддатини қўллаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилди. Шунда суд жавобгарларнинг ҳар иккаласига нисбатан даъво муддатини қўллади.

Савол: Мазкур ҳолатда судьянинг ҳаракатлари тўғрими?

33. Олди-сотди шартномаси юзасидан келиб чиққан низо суд томонидан кўриб чиқиляётганда даъво муддати ўтганлиги ҳақида низодаги тарафнинг (жавобгарнинг) аризасини кўриб чиқишда, судья даъво муддати тикланиши лозим деган хулосага келди ва жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантирмади. Шунда жавобгар суднинг даъво муддатни тиклаш тўғрисидаги ажримни устидан апелляция шикоятини билан судга мурожаат қилди.

Савол: Мазкур ҳолатда жавобгарнинг ҳаракатлари тўғрими?

34. Суд мажлисининг таёрлов қисмида раислик этувчи суд таркибини, кимлар судда қатнашаётганликларини эълон қилиб, судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки судьялардан бирортасини ёки иштирокчилардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқлари тушунтирилганида, ЖКни 97-моддаси 1-қисми билан айбланган А.Тугаев томонидан раислик этувчига уни каттиқўл эканлигини, жазони унга нисбатан оғирроқ тайинлаши мумкинлигини билдириб раислик этувчига раддия билдиради. Суд маслаҳатхонага кириб кетади. Маслаҳатхонадан чиққач раислик этувчи томонидан судланувчи А.Тугаевни раддияси ноқонуний бўлганлиги сабабли рад қилинганлиги тўғрисида ажримни ўқиб эшитиради ва суд мажлисини таёрлов қисмини давом эттиради.

Савол: Ушбу ҳолатда суд томонидан қандай хатоликка йўл қўйилди?

35. Суд маслисининг таёрлов қисмида суд мажлиси котиби давлат айбловчиси, судланувчи А.Ботировни, химоячи, жабрланувчи Б.Сидровни келганлигини, шундан сўнг суд мажлисига таржимон ва гувоҳларни келганлиги тўғрисида маълум қилади. Раислик томонидан суд таркибини, тарафларни эълон қилиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 80-моддасига асосан уларга рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради. Гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб, судланувчини шахсини аниқлаб, ҳуқуқларини тушунтириб, илтимослар бор йўқлигини аниқлаб суд терговини бошлаб юборади.

Савол: ушбу ҳолатда суд томонидан қандай хатоликка йўл қўйилди?

36. Айни пайтда таътилда бўлган, Давлат ёнғин назорати органи (инспектори) С. томонидан, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун,

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 84-моддаси бўйича фуқаро К.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва жарима солинади.

Савол: Давлат ёнғин назорати органи инспектори маъмурий жазо тайинлашга ҳақлими?

37. Аэропорт биноси ичида майда безорилик содир этган фуқаро Н.га нисбатан, Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси инспектори томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61²-моддаси (“Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш”) бўйича маъмурий баённома тузилди ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарилди.

Савол: Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси инспектори ҳаракатлари қонунийми?

38. Ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаро С. баённомани имзолашдан бош тортди. Ваколатли орган (мансабдор шахс) баённомага имзо қўймаганлиги сабабли, фуқаро С.га унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаслигини айтди. Фуқаро С. ўз ҳуқуқларини билиш мақсадида, баённомага имзо қўйди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда, адвокат мазкур ҳолат юзасидан шикоят келтирди.

Савол: Адвокат шикояти асослими?

39. Совуқ қуроли борлигида гумон қилинган фуқаро В. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ваколатли шахслари томонидан кўриқдан ўтказилди. Шахсни кўриқдан ўтказиш натижасида, ҳақиқатан ҳам фуқаро В.нинг чўнтагидан совуқ қурол чиқди.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари ваколатли шахсларининг ҳаракатлари қонунийми?

40. Махсус автоматлаштирилган фото қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича фуқаро Э.га нисбатан жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилди. Фуқаро Э. маъмурий жарима тўғрисидаги қарор унинг иштирокисиз чиқарилди, деб шикоят қилди.

Савол: Фуқаро Э.нинг шикояти асослими?

41. Суд мажлисининг таёрлов қисмида раислик этувчи судланувчига ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди, судланувчидан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунганлигини суриштирди, судланувчи яхши тушунмаганлигини баён этди. Шундан сўнг раислик этувчи бошқа процессуал ҳаракатлари ўтказишни давом эттирди.

Савол: Раислик этувчи судланувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганда қандай хатолика йўл қўйилди?

42. Суд маслисини таёрлов қисмида раислик этувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 434-моддасига асосан судланувчини шахсига оид маълумотларни аниқлаб, унинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб, суд мажлиси таёрлов қисмини давом эттирди.

Савол: Раислик этувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 434-моддасига асосан судланувчи шахсини аниқлаш билан бирга яъна қайси ҳолатларни аниқлаши зарур эди?

43. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деб топиб, жиноят ишлари бўйича туман суди ҳуқуқбузар В.ни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан қифояланди.

Савол: Жиноят ишлари бўйича туман суди бундай қарорни қабул қилишга ҳақлими?

44. Корхонанинг мол-мулкани оз миқдорда ўғирлашга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида, жиноят ишлари бўйича туман судига раислик қилувчи мазкур мол-мулк талончилик йўли билан талон-торож қилганлигини аниқлади ва ҳуқуқбузарни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси (“Оз миқдорда талон-торож қилиш”) бўйича маъмурий жавобгарликка тортди.

Савол: Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

45. Умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлиги (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддаси) учун, суд фуқаро З.га базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солиб, бир ой ичида газга уланиш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Савол: Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори тўғрими?

46. Биринчи инстанция судининг маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикоят, апелляция инстанцияси суди томонидан уч кун ичида кўриб чиқиладиганлиги сабабли, адвокат томонидан апелляция инстанция суди устидан шикоят қилинди.

Савол: Адвокатнинг шикояти асослими?

47. Фуқаро Ш. 2015 йил 4 январь куни соат чамаси 19-00 ларда ўзининг номидаги “ВАЗ-2105” русумли автомашинасини бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларини бузиб, йўлни кесиб ўтаётган йўловчи И. ни уриб кетиб, унга ёрдам бермасдан воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган. Натижада И. етказилган оғир жароҳатлар оқибатида шифохонада вафот этган.

Топшириқ: Фуқаро Ш.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

48. Фуқаро В. томонидан содир этилган босқинчиликдан сўнг, олинган нарсаларни укаси Б.дан яшириб қўйишни сўради ва унга бўлиб ўтган талон-торож ҳолатини айтди. Б. нарсаларни яшириб қўйди.

Топшириқ: Бабуриннинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

49. Фуқаро Й. тунда дорихона эшигини калит танлаш усули билан очиб, таркибида гиёҳванд моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини талон-торож қилаётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: Фуқаро Й.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

50. Фуқаро А. ўта оғир жиноят содир этганлиги учун унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Бир неча кундан сўнг тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида у қўлга олинади. Дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида тўпланган далиллар судланувчи А. ўз уйида онаси Ш. томонидан яширилганлигини тасдиқлаган.

Топшириқ: Фуқаро А.нинг онаси ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

51. Фуқаро С. икки марта талончилик ва бир марта босқинчилик жиноятини содир этган бўлиб, ушбу жиноятлардан бирортаси учун судланмаган.

Савол: Фуқаро С.га жазо қандай тартибда тайинланади?

52. Кафеда ўз ўртоқлари билан ўн етти ёшга тўлганлигини нишонлаб ўтирган фуқаро Г. томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик содир этилди. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, суд фуқаро Г.га нисбатан 3 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

Савол: Суд қарори тўғрими?

53. Биринчи инстанция судининг, сайловолди ташвиқот олиб борилаётганда номзоднинг ҳуқуқларини бузиш (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51⁴-моддаси) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикоят, апелляция инстанцияси суди томонидан ўн беш кун ўтгач кўрилиши бошланди.

Савол: Апелляция инстанцияси суди ҳаракатлари қонунийми?

54. Майда безорилик содир этган фуқаро Ш.га нисбатан ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoқ жазоси тайинланди. Маъмурий жазони ўтаган фуқаро Ш. унинг қamoқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойида иш ҳақи тўлаб берилишини талаб қилди.

Савол: Фуқаро Ш.нинг талаби қонунийми?

55. Ўзганинг мулкини қасддан nobуд қилганлиги (МЖТК 61²-модда) учун ҳуқуқбузар М.га жарима солиш тўғрисидаги қарори билан мулкий зарарни ундириб олиш ҳам белгиланди. Ҳуқуқбузар М.га қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай мулкий зарар тўланиши лозимлиги айтилди. Бироқ, ўн беш кундан сўнг ҳам ҳуқуқбузар М. томонидан мулкий зарар тўланмади ва қарорнинг ижроси мажбурий ижро учун давлат ижрочисига юборилди.

Савол: Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

56. Фуқаро П. дорихона омбори мудирининг бепарволиги ва йўл қўйиши натижасида дорихона омборидан таркибида гиёҳвондлик моддаси бор дори воситаларини ўғирлади.

Савол: Мазкур жиноят объектини қандай муносабатлар ташкил этади?

57. Х. исмли шахс Тожикистон Республикасида туғилганлиги, 2000 йил май ойидан буён фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси асосида Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётгани, 2017 йилда 10 ой давомида Россия Федерациясида ишлаб келгани, яқинда у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилганида, унга мурожаат қилинган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келмаганлиги асос қилинган ҳолда, фуқароликни бериш рад қилингани ҳақида маълум қилиб, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз яшаш деганда нима тушунилиши юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

58. Л. исмли шахс диний таълимотига кўра бош кийимсиз суратга тушишни оғир гуноҳ деб билиши, яқинда паспорт олмоқчи бўлганида бош кийим билан суратга тушиш мумкин эмаслигини баён қилишгани ҳақида маълум қилиб, агар паспорт олиш жараёнида бош кийимсиз суратга тушишдан бош тортса, қандай ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги юзасидан тушунтириш беришни сўради.

59. З. исмли шахс ота-онаси турли миллатга мансуб эканлиги ҳақида маълум қилиб, паспорт олаётганда уларнинг қайси бирининг миллати паспортга ёзилиши

мумкинлиги, паспорт олинганидан кейин ундаги миллат ҳақидаги ёзув қандай тартибда ўзгартирилиши мумкинлиги юзасидан тушунтириш беришни сўради.

60. Ш. исмли аёл 3 нафар вояга етмаган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаб келаётгани, улардан икки нафари мактаб ўқувчиси бўлиб, улар аъло баҳоларга ўқиши ҳақида маълум қилиб, ушбу фарзандлари учун қандай ижтимоий имтиёзлар мавжудлиги ҳақида ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

61. М. исмли шахс Ўзбекистон миллий университетда тўлов-контракт асосида ўқиётган 28 ёшли турмуш ўртоғининг контракт пулини ўзининг иш ҳақи ҳисобидан тўлагани, бироқ иш жойидаги бухгалтер контракт пулини тўлашга йўналтирилган иш ҳақи бўйича солиқ ҳисоблаганлиги ҳақида маълум қилиб, бундай ҳолатда иш ҳақидан солиқ ҳисобланиши тўғри ёки нотўғри эканлиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

62. Фуқаро П. 100 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда ўтказётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Суриштирув вақтида фуқаро П. илгари ҳам, яъни шу ойнинг ўзида бундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги аниқланди.

Топшириқ: Фуқаро П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

63. Фуқаро С. олтин тақинчоқлар олиб бериб, таниш бўлган 17 ёшли А. исмли қизнинг розилиги билан у билан жинсий алоқа қилди. А.исмли қизнинг ота-оналари мазкур ҳолат юзасидан прокуратура органларига мурожаат этди.

Савол: Фуқаро С. ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

64. Муқаддам фирибгарлик жинояти бўйича жазодан озод қилинган фуқаро К. фирибгарлик жиноятини қайтадан содир қилган.

Савол: Мазкур ҳолатда, фуқаро К. томонидан такроран жиноят содир этиш мавжудми.

65. Муқаддам талончилик содир этганлиги учун судланган Б. судланганлик муддати ўтмасидан туриб ўғирлик жиноятини содир қилди.

Топшириқ: Фуқаро Б.нинг қилмишини квалификация қилинг. Рецидив жиноят билан такроран жиноят содир этишнинг фарқи нимада?

66. Н. исмли шахс Қирғизистонда туғилганлиги, 1994 йил сентябрь ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоятида доимий рўйхатдан ўтиб, яшаб келаётгани, шу кунга қадар фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида юрганлиги ҳақида маълум қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомига эга бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

67. Ш. исмли аёл турмуш ўртоғи Б.ни ИИБ ходимлари жиноят содир қилганликда гумон қилиб, олиб кетганлиги, орадан 5 кун ўтган бўлсада, уни қўйиб юборишмагани ҳақида маълум қилиб, турмуш ўртоғининг туман ИИБда ушлаб турилиши қанчалик қонунга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш беришни сўради.

68. Х. исмли шахс тергов органи томонидан ўғлига нисбатан юритилаётган жиноят ишида ўғлининг ҳимоячиси сифатида ўзи қатнашмоқчи эканлигини маълум қилиб, буни қандай тартибда амалга ошириш мумкинлигини сўради.

69. Қарздор С. ўз зиммасига олган мажбуриятини бажаришдан бош тортади. Кредитор Б. қарздор С. томонидан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун унинг

бажарилмаган қисмининг 50 фоизигача пеня ундирилиши талаби билан иқтисодий судга мурожаат қилади.

Савол: Кредитор Б.нинг мурожаати асослими?

70. Банк томонидан фуқаро Д.га кредит бериш учун кредит суммасидан юқори қийматга эга бўлган мулкни гаровга қўйиш талаб қилинди? Фуқаро Д. томонидан банкнинг бу талаби рад этилди.

Савол: Банкнинг талаби қонунийми?

71. Таъмирлаш устахонаси В. томонидан қолдирилган музлатгични таъмирлаш учун хизмат ҳақини, уни сақлаш билан боғлиқ чиқимларни тўлалигича тўламагунича, музлатгични В.га топширишдан бош тортиб, уни ушлаб қолди.

Савол: Таъмирлаш устахонасининг ҳаракатлари қонунийми?

72. Ж. исмли шахс Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси эканлиги, университет маъмурияти ётоқхонада жой йўқлигини асос қилган ҳолда уни вақтинча турар жой билан таъминланмагани ҳақида маълум қилиб, олий таълим муассасаси талабаларни вақтинча турар жой билан таъминлаш мажбуриятига эга ёки эга эмаслиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

73. Т. исмли шахс Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалавриятини давлат гранти асосида тамомлаганидан сўнг, магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилингани ҳақида маълум қилиб, магистратурани тамомлаганидан сўнг йўлланма асосида ишлаб бериш мажбуриятига эга ёки эга эмаслиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради.

74. Н. исмли шахс тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолат бўйича ўзига нисбатан бевосита туман прокуратурасининг терговчиси томонидан жиноят иши қўзғатилганлигини маълум қилиб, терговчининг қарори қонуний ёки ноқонуний эканлигини сўради.

75. А. исмли аёл умумий тартибли колонияда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган турмуш ўртоғи билан қандай тартибда ва неча марта учрашиши мумкинлигини сўради.

76. Ф. исмли шахс суднинг ҳукмига кўра, ўзига нисбатан шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 2 йил синов муддати белгиланганлиги, 2020 йил 10 ноябрь куни синов муддати тугаганлигини маълум қилиб, бундай ҳолатда унинг судланганлик ҳолати қачон тугалланишини сўради.

77. 2021 йилнинг 20 октябрь санасида ходим корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларини қўпол равишда бузиб корхонага маст ҳолда келган. Буни корхона ходимлар бўйича инспектори ва ходимнинг цех раҳбари ҳамда ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосарининг билдиргиси тасдиқлаганлиги сабабли иш берувчи ходимни профилактика инспектори ёрдамида тиббий текширувга чиқиш хати орқали юборди. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшма қўмитасини розилигини 2021 йил 19 ноябрь куни олди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102 моддаси талабларига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун 3 кунлик огоҳлантиришни қўллаб меҳнат шартномасини 2021 йил 22 ноябрь куни бекор қилиш ҳақида буйруқ қабул қилди.

Савол: Иш берувчининг буйруғи қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

78. Ходим муқобил хизматга чақирилганлиги сабабли иш берувчи ходимни ўз аризасига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиши лозимлиги ҳақида талаб қўйганлиги сабабли меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 99-моддаси тартибида иш берувчининг буйруғи билан бекор қилинди. Ходим муқобил хизматни тугатганидан сўнг корхонага 1 ойдан кейин корхонага ишга жойлашиш мақсадида мурожаат қилган вақтида иш берувчи у билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра бекор қилингани сабабли қайта ишга олиш мажбурияти йўқлигини тушунтирди.

Савол: Иш берувчининг буйруғи қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

79. Ходим дам олиш кунлари яқинларидан ҳабар олиш мақсадида Фарғона вилоятига жўнаб кетди ва у ерда хафтанинг душанба кунда синфдошининг тўйи бўлиши муносабати билан ишга бора олмаслиги ва шу сабабли ўзига муқаррар иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришлари лозимлиги юзасидан корхона ходимлар бўлими инспекторига телефон орқали ҳабар берди. Иш берувчи эса ходим ишга қайтганидан сўнг унга сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун унга хайфсан интизомий жазо чораси қўллаш ҳақида буйруқ чиқарди.

Савол: Иш берувчининг буйруғи қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

80. Шифохоналардан бирида ўрта тиббиёт ходимларининг меҳнат шартномаларига қуйидаги банд киритилган эди: «ходим зарур бўлган ҳолларда раҳбарнинг буйруғига биноан қўшимча меҳнат вазифаларини уларнинг тури, ҳажми, иш вақтидан қатъи назар бепул бажаришга мажбур». Бу ҳолда ҳозир бўлмаган ходимнинг ўрнига навбатдан ташқари навбатчиликка жалб этиш назарда тутилган.

Савол: меҳнат шартномасининг ушбу шарти меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

81. Завод директори билан қурилиш трестининг ишчилари Саманов ва Анорбоев ўзларининг меҳнат таътиллари вақтида заводга тегишли бинони таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида шартнома туздилар. Таъмирлаш ишлари вақтида Анорбоев оғир тан жароҳати олди (Саманов томонидан олиб келинган ва ўрнатилган циркуляр арра Анорбоев қўлидаги бармоқларини кесиб кетди) ва у меҳнат қилиш қобилиятини йўқотди.

Савол: Ушбу вазиятда юзага келган муносабатлар қайси ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинади? Компенсация масаласини қандайал этилади?

82. Кредитор Б ва қарздор С.лар ўртасида тузилган шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун Г. томонидан кафиллик берилди. Лекин, кредитор Б. кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафил Г.га нисбатан даъво қўзғатмади. Бир йил ўтганидан кейин Г.га нисбатан даъво қўзғатди?

Савол: кредитор Б.нинг ҳаракатлари қонунийми?

83. Банк томонидан бенефициар Б.га шартномада белгиланган мажбуриятнинг бажарилиши учун ёзма мажбурият берилди. Мажбурият бажарилмаганидан кейин бенефициар Б. Банкка нисбатан шартнома бўйича тўланилиши лозим бўлган кафиллик берилган пул суммасидан ташқари, қўшимча харажатларни ҳам тўлаш талаби билан иқтисодий судга мурожаат қилди.

Савол: бенефициар Б.нинг талаби қонунийми?

84. Корхонада Ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгарганда иш берувчи бир турдаги касб ва лавозимлар доирасида ходимларни қайта жойлаштириш (қайта гуруҳлаш) зурати билан ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходим А.Камол билан меҳнат шартномасини юқоридаги асос бўйича бекор қилди ва уни ўрнига корхонада юқори малакага эга бўлган лавозими иқсқартирилган Ш.Маликни розилигига кўра ўтказди. А.Камол иш берувчининг қароридан норози бўлиб судга мурожаат қилган эди суд корхонадаги штат қисқаришлари мақсадга мувофиқ эмас деган ваз ва билан А.Камолни ишга тиклаш ҳақида қарор қабул қилди.

Савол: суд қарори қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

85. Иш берувчи корхонада пенсия ёшига етган ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим Д. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми, еттинчи банди яъни ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги боис бекор қилиниши юзасидан Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ огоҳлантирди. Ходим Д дастлаб огоҳлантришнинг бутун муддати давомида ишлаши ва муддат тугаганидан сўнг қонунчиликда белгиланган кафолатларни олиб сўнгра меҳнат шартномасини бекор қилинишига рози эканлигини билдириди. Огоҳлантриш муддати берилган кундан 10 кун ўтиб ходим Д огоҳлантришнинг қолган кунларини компенсация қилиб меҳнат шартномасини ўз ҳошишига кўра бекор қилиниши юзасидан иш берувчига ариза тақдим қилди. Иш берувчи ходимни талабини қаноатлантириб, огоҳлантришнинг 50 кунлик муддатини компенсация қилиш ва меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 99-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ бекор қилиш ҳақида буйруқ қабул қилди.

Савол: Иш берувчининг буйруғи қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

86. Ходим собиқ корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун пул ундириши сўраб мурожаат қилди. Суд ишни кўриб чиқиб ходим айна вақтда бошқа ташкилотда асосий иш ўрнида ишлаётганлигини инобатга олиб уни ишга тиклашни мақсадга мувофиқ эмас, лекин 7 ой давомида мажбурий прогул вақти учун 10 миллион сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Савол: Суд ҳал қилув қарори қонунийми? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

87. Авазовнинг ўн уч ёшли ўғли Зоҳиджоннинг туғилган куни муносабати билан амакилари тилла соат ва уч миллион сўмлик фотоаппарат совға қилишадилар. Мазкур совғани Зоҳиджон акасининг дўсти Абдуллага икки миллион сўмга сотиб юборади. Бундан хабар топган Авазов фотоаппаратни қайтариб беришни талаб қилади.

Савол: Авазовнинг талаби ўринлими? Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги болалар қандай битимларни туза оладилар?

88. “Комилов” фирмаси воситачилик фаолиятини амалга оширади ва асосан қурилиш молларини миқдорларга сотиш билан шуғулланади. “Буриев” МЧЖ 15 млрд. сўмлик қурилиш молларини сотиб беришни “Комилов” фирмасига топширди ва бу ҳақда у билан воситачилик шартномасини тузди. Шартномада “Комилов” фирмаси товар нархи шартномада белгиланганидан паст баҳоларда сотмаслигини, агар сота олмаса нархлардаги фарқни ўз ҳисобидан тўлашини билдирди. “Комилов” фирмаси товарни юқорироқ нархга сотди ва бунда орадаги фарқ 750 млн. сўмни ташкил қилди. Бироқ “Буриев” МЧЖ фақат воситачи хизматини ҳақ тўлаши мумкинлигини, орадаги фарқ эса ўзида қолишини маълум қилди.

Топширик: Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

89. “Хислатов” МЧЖ адвокатлик фирмаси билан юридик хизмат кўрсатиш ҳақида шартнома тузди. Шартнома шартларига мувофиқ адвокатлик фирмаси

юримдик хизмат кўрсатди. Бироқ, “Хислатов” МЧЖ ўз фаолиятидаги солиқ камомадлари, бухгалтерия томонидан йўл қўйилган хатоликлар, МЧЖга топширилган мол-мулкни ўзлаштириб юборилганлик ҳолатини қандай қилиб бўлмасин ёпиш топшириғини берди.

Савол: “Хислатов” МЧЖнинг ушбу талаби қонун талабларига мос келадими? Топшириқ берувчининг кўрсатмалари қандай талабларга мос бўлиши зарур?

90. Фуқаро Мусаев Тошкент-Нукус йўналишидаги темир йўл поезда учун чипта харид қилди. У ўзи билан 4 ёшли ўғлини ҳамда 8 ёшли қизини ҳам олиб кетмоқчи бўлиб, улар учун имтиёзли равишда чипта берилишини талаб қилди. Бироқ, темир йўл кассаси унга имтиёзли тоифа мавжуд эмаслигини маълум қилди.

Савол: Ушбу ҳолатда йўловчи ҳуқуқлари бузилганми?

91. Фуқаро Сатторов банкка йиллик 20% устама ҳақ тўлаш шартини билан банк омонати қўйди. Бироқ, орадан 10 ой ўтгандан сўнг, ушбу қўйилган омонат пулларини қайтариб олишни банкдан талаб қилди. Бу ўринда банк эътироз билдириб, фақат яна икки ой ўтгандан сўнг омонат пулларини қайтариб беришларини маълум қилди.

Савол: Ушбу ҳолатда истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганми?

92. Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг жарима жазо чорасини, қамоқ жазо чорасига ўзгартириш юзасидан ажрим чиқарди. Кассация инстанция судининг ажримидан норози бўлган адвокат шикоят билан мурожаат этди.

Савол: Адвокатнинг шикояти асослими?

93. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича апелляция инстанция судининг 2020 йилнинг февраль ойида чиқарилган қарорини қайта кўриш юзасидан, адвокатнинг 2021 йил январь ойидаги кассация шикояти, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қабул қилинмади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ҳаракатлари қонунийми?

94. “Best building” МЧЖ (Даъвогар) ҳамда “Expert” ХК (Жавобгар) ўртасида пудрат шартномаси юзасидан келиб чиққан низода даъвогарнинг аризасига асосан Прокурор ишда иштирок этди. Мазкур иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқди. Бироқ Прокурор мазкур иш бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга мурожаат қилди бироқ суд Прокурор низо тарафи эмаслигини ваъж қилиб, аризани қайтарди.

Савол: Ариза суд томонидан қонунга мувофиқ қайтарилганми?

95. “Нормалекс” МЧЖ (Даъвогар) ҳамда “Факт” ХК (Жавобгар) ўртасида олди-сотди шартномаси юзасидан келиб чиққан низо суд тартибида қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилди. Бироқ ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган “Линда” МЧЖ, унинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятига дахлдор суд ҳужжати қабул қилинганлигини асос қилиб, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза берди. Шунда суд “Линда” МЧЖ ишда иштирок этишга жалб қилинмаганлигини ваъж қилиб аризасини қабул қилиш Иқтисодий процессуал кодекснинг 291-моддаси (Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш) биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилди.

Савол: Суднинг ҳаракати қонунийми? Агар қонуний бўлса, “Линда” МЧЖ қандай йўл тутиши лозим?

96. “Берн” МЧЖ (Даъвогар) ҳамда “Империя” МЧЖ (Жавобгар) ўртасида етказиб бериш шартномаси юзасидан келиб чиққан низо суд тартибида қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилди. Бироқ кейинчалик суд ўзи чиқарган ҳал қилув қарорини ўз ташаббуси билан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилди.

Савол: Суднинг ҳаракати қонунийми?

97. Фуқаро С. турмуш ўртоғи фуқаро Н.нинг вафот этганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун ФХДЁ бўлимига мурожжаат қилди. ФХДЁ бўлими бошлиғи Ф. унинг ёрдамчиси касаллиги сабабли, маълумотнома олиш учун фуқаро С.га уч кундан кейин келишини сўради.

Савол: ФХДЁ бўлими бошлиғи Ф.нинг ҳаракатлари тўғрими?

98. Л. исмли шахс диний таълимотига кўра бош кийимсиз суратга тушишни оғир гуноҳ деб билиши, яқинда паспорт олмоқчи бўлганида бош кийим билан суратга тушиш мумкин эмаслигини баён қилишгани ҳақида маълум қилиб, агар паспорт олиш жараёнида бош кийимсиз суратга тушишдан бош тортса, қандай ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги юзасидан тушунтириш беришни сўради. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

99. Т. исмли шахс Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалавриатини давлат гранти асосида тамомлаганидан сўнг, магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилингани ҳақида маълум қилиб, магистратурани тамомлаганидан сўнг йўлланма асосида ишлаб бериш мажбуриятига эга ёки эга эмаслиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўради. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

100. А. исмли аёл умумий тартибли колонияда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган турмуш ўртоғи билан қандай тартибда ва неча марта учрашиши мумкинлигини сўради. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.